



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил
26 декабрь
ЧОРШАНБА

№ 103
(12.010)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Исроҳ Каримов 25 декабрь куни Оқсаройда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси, МДХ Ижрочи котиби Сергей Лебедевни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташири билан қутлар экан, уни нафақат МДХ Ижроия қўмитаси раиси, айти пайта МДХ Кузатувчилари миссияси раҳбари сифатида ҳам ҳурмат қилишни таъкидлади.

Таъкидламоқ жоизки, мамлакатимизда 23 декабрь куни бўлиб ўтган Президент сайловида МДХ Кузатувчилари миссияси таркиб жиҳатдан энг катта гуруҳ сифатида фаол иштирок этди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз бериш жараёнининг кузатиши якуни янги овоздан ҳолис ҳулосаларини баён қилди.

МДХ Кузатувчилари миссияси ўз фаолиятини 10 декабрдан бошлади. Тошкентда унинг штаби, Бухоро, Самарқанд ва Фарғонада бўлимлари ташкил этилди.

Ҳамдўстлик кузатувчилари пойтахтимизда ва қатор вилоятларда мингдан зиёд сайлов участкасида бўлдилар. Миссиянинг Баёнотида Ўзбекистонда Президент сайлови ва овоз беришга тайёргарлик кўришни халқаро ва ички кузатиш учун зарур ҳуқуқий ҳамда ташкилий-техник шароитлар яратилгани, кузатувчилар сайлов жараёнини тартибга солувчи ҳужжатлардан фойдаланиш, Президентликка номзодларнинг сайловолди штаблари раҳбарлари ва сайловчилар билан учрашиш, барча округ ва участка сайлов комиссияларига бориш ҳамда зарур ахборотларни олиш имконига эга бўлгани, уларга сайловни ташкил этишда иштирок этган барча тузилмалар ҳар томонлама ёрдам кўрсатгани қайд қилинган.

МДХ Кузатувчилари миссияси нафақат сиёсий партиялар, балки фуқаролар сайловчилар ташаббускор гуруҳларини ташкил этиш орқали Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга эканини ижобий баҳолади. Миссия Баёнотида МДХ Кузатувчилари миссияси сайловни эркин, очик ва ошкора ўтди, деб ҳисоблаши қайд қилинган. Сайлов Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётни янада демократлаштириш ва мамлакатни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омиллиги айланган эътироф этилган.

Давлатимиз раҳбари МДХ Кузатувчилари миссиясининг фаолиятига юксак баҳо берди.

С. Лебедев самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Сайловда ғолиб чиққани муносабати билан Исроҳ Каримовни табриклади.

Суҳбат чоғида МДХ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликка доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Ў.А.



МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ЭНГ МУНОСИБ НОМЗОДНИ САЙЛАДИ

23 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови бўлиб ўтди

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов 23 декабрь куни ўтказилган сайловнинг дастлабки якунларига бағишланган брифингда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови мамлакатимизнинг янги тарихи, демократик ҳуқуқий давлат, қули фуқаролик жамиятини барпо этишда тарихий босқич бўлганини таъкидлади.

Сайлов халқнинг хоҳиш-ирода билдириши, сиёсий ҳаёт, давлат ва жамият бошқаруви, давлат ҳокимиятини шакллантиришда бевоқиф иштирок этишининг асосий воситаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида" ва "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида" ги қонунлар ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари мамлакатимизда сайловни демократия, очиклик ва ошқоралик тамойиллари асосида ўтказишнинг қафолатидир. Сайлов мубоил асосда мамлакатимиз Конституцияси ва сайлов қонунчилигида белгиланган демократик тамойилларга тўла мувофиқ тарзда ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ-демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" Социал-демократик партияси, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, шуниингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳидан номзодлар иштирок этди.

Қонунга мувофиқ

Президентликка кўрсатилган Марказий сайлов комиссиясини ўтказиш, сайловчилар билан учрашиш, сайловолди ташвиқотида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилди.

Оқруғ ва участка сайлов комиссияларининг қонунчилик, коллегиялик, ошқоралик, мустақиллик ва адолат тамойилларига асосланган ҳолда фаолият юритгани сайловнинг демократлиги ҳамда амалдаги қонунчиликка мувофиқлигини таъминлади. Барча 8266 та сайлов участкаси алоқа воситалари, компьютер ва ортехника, сайлов қонунчилиги меъёриларига оид адабиётлар билан таъминланди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари учун ўқув семинарлари ташкил этилди. Сайловчилар, аввало, биринчи марта овоз бераётган сайловчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида сайлов комиссиялари томонидан қўллаб-қўллаб, семинарлар, жумладан, телевидение ва босма оммавий ахборот воситаларида фойдаланган ҳолда ўтказилди.

Шуниингдек, сайлов жараёнининг қарийб 23 минг 300 нафар кузатувчи иштирокида кузатиб борилиши ҳам сайловнинг очик ва ошқора ўтишини таъминлади. Бешта халқаро ташкилот – МДХ, ЕХТ, ШХТ, ЕвразЭС, ИКТ, 30 дан ортиқ хорижий мамлакатдан келган кузатувчилар, шуниингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови мамлакатимиз ва хорижий журналистлар учун матбуот анжуманлари, брифинглар бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов брифинг қатнашчиларига сайловда иштирок этган сайловчилар сони 14 765 444 киши ёки рўйхатга олинган сайловчилар умумий сонининг 90,6 фоизини ташкил этганини маълум қилди. Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловининг дастлабки якунларига кўра, Исроҳ Каримов 13 миллион 8 минг 357 овоз ёки сайловда қатнашган сайловчилар умумий сонининг 88,1 фоизини олди. Аслиддин Рустамов 468 минг 64 овоз – овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 3,17 фоизи, Акмал Саидов 420 минг 815 овоз – 2,85 фоизи, Дилором Тошмухамедова 434 минг 111 овоз – 2,94 фоизи микдорда овозга эга бўлди. Бунда бюллетенларнинг 2,94 фоизи ҳақиқий эмас, деб топилди.

Ў.А.

Марказий сайлов комиссияси раиси айти пайта Марказий сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган материалларни қўриб чиқатганини маълум қилди. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасини Президентини сайлови тўғрисида" ги қонунига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси иштирокида қарор қабул қилиш ва сайлов якунларини матбуотда эълон қилиш учун яна 10 кун вақт бор. Шу муддат ичида округ сайлов комиссияларининг ҳар бир протоколи, ҳужжати яна бир марта синчковлик билан текширилади. Марказий сайлов комиссияси зарурат туғилган тақдирда айрим участка сайлов комиссияларининг материалларини ҳам текширади ва шундан сўнг қарор қабул қилади.

Ў.А.

Ўзбекистон
Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

2007 йил 31 декабрь
ДУШАНБА ИШ КУНИНИ
2007 йил 29 декабрь
ШАНБА КУНИГА
КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Янги йил байрами муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2007 йил 31 декабрь душанба иш куни 2007 йил 29 декабрь шанба кунига қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2007 йил 24 декабрь.

ҲАЖ ЗИЁРАТИДАН ҚАЙТИШДИ

Мустақиллик шарофати билан миллий урф-одат ва анъаналаримиз, диний қадриятларимиз қайта тикланди. Ўрта-дошларимиз ислом динининг барча арконларини, жумладан, Ҳаж амалларини эмин-эркин адо этиш имконига эга бўлдилар.

Юртимиздан Ҳаж зиёратига йўл олган ватандошларимизнинг дастлабки гуруҳи Саудия Арабистонидан Тошкентга қайтиб келди.

– Истиқлол йилларида 70 минг нафардан кўпроқ ватандошимиз муборак Ҳаж зиёратига бориб келишга муассар бўлди, – дейди Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов. – Жорий йил ҳам беш минг нафарга яқин ҳамюртимиз муборак сафарга йўл олди. Давлатимиз томонидан уларга барча зарур шарт-шароит яратиб берилди. Бунинг учун давлатимиз раҳбари Исроҳ Каримовдан бағоят миннатдоримиз.

Ватандошларимиз Ҳаж зиёратини адо этиш асносида мамлакатимиз тинчлик-осойишталиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган хайрли ишларга Яратганининг ўзи ривож беришини сўраб дуо қилдилар.

Ў.А.

ҚЎШИҚ ВА КУЛГУ КЕЧАСИ

Ангреннинг сўлим гўшасида жойлашган виллоят соғломлаштириш марказида бу йил мингдан ортиқ факрийлар ва ногиронлар саломатликларини мустаҳкамладилар.

Яқинда бу ерда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида белгиланган навабдаги тадбир – "Қўшиқ ва кулгу" кечаси ташкил этилди. Унда сўз усталари, халқ усталари қўйилари ва хонандаларнинг чиқишлари иштирокчиларда илиқ таасирот қолдирди.

Мунаввара РАЖАБОВ

қизи.

МАҲСУЛОТИ ЭЛГА МАНЗУР

"Бўстонлик сўт" Ўзбекистонда қўшма корхонасида кунига 60 тоннага яқин сўт қайта ишланмоқда. Техникавий қайта жиҳозланган корхонада тайёрланаётган маҳсулот хили 20 тага етди.

Корхона қоравчили билан шуғулланаётган деҳқон хўжалиқлари ва агрофирмалардан шартнома асосида сўт қабул қилиб олмақда.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган яна беш турдаги янги маҳсулотга сертификат берилди.

Акбар АЛИЕВ.

Истиқбол лойиҳалари

ЕР – ХАЗИНА, СУВ – ОЛТИН

Виллоятимизда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш лойиҳаси асосида катта ишлар бошланаяпти

Ҳаётимиз фаровонлиги, дастурхонимиз тўқинлиги, ризқу насибамизнинг қўт-баракаси бебаҳо заминимиз саховатидан. Ер – хазина, сув – олтин, деб бежизга айтишмайди. Чиндан ҳам, мана шу ер, мана шу тупроқ бугун бизни боқаяпти, эртага фарзандларимиз ҳам бу бебаҳо ва беминанат неъматдан тўла-тўқис баҳраманд бўлишлари лозим. Бунинг учун Она-замин имкониятларидан омилкорлик билан оқилона фойдаланган ҳолда уни муносиб муҳофаза қилишимиз, асраб-авайлашимиз, бир сўз билан айтганда, авлодларга соғлом ва унумдор ҳолида етказишимиз зарур.

Аслида тупроқ ҳам бир тирик жондай гап. Унга қандай муносабатда бўлсангиз, шундай жавоб оласиз. Ернинг ҳолати билан мудом ҳисоблашган, унинг кам-кўсти, эҳтиёжига қараб ҳаракатини қилган, ҳуллас, заминга меҳр ва иштиёқ билан қарайдиган деҳқон асло панд емайди. Бундайларни ер билан сирлашадиган, тиллашадиган деҳқонлар, дея алқайдилар.

Сир эмаски, собиқ тузумда

неча асрлардан буён халқимизга ризқ-насиба улашиб келган асл хазинамизга нисбатан аёвсиз муносабатда бўлиб келинди. Пахта-якка ҳокимлиги сиёсатининг қатъий ва изчил юртилиши, марказдан суюнчи олишга ишчибоз бўлган айрим раҳбарларнинг на ернинг ахволи, на деҳқоннинг ҳолидан хабар "план, план!" дея учиб-қўнишлари оқибатида минглаб гектар майдонларнинг мадори қуриб, табиий ҳусусиятлари ўлиб борди. Фақатгина ҳосил қўғини ўйлаб, ерга фойдасидан зиёни қўп бўлган турли захарли кимёвий моддаларнинг, меъёридан ортиқ сочилиши, ерни тиниктириб дам олдириш, алмашлаб экиш, тупроқнинг "илигини" сўрадиган экинлар ўстирилган ерларда вақти-вақти билан тупроқ ҳусусиятларини қайта жонлан-тирадиган ўсимликлар экиш каби аъянавий деҳқончиликнинг энг оддий ва қулай усулларидан ҳам фойдаланилмай қўйилгани аксарият экин майдонларини танг ахволга солди.

– Ер тўймагунча, эл тўймас, деган гап бор, – дейди Оққўр-

ғон туманидаги "Покиза-М" фермер хўжалиги раҳбари Абдумалик Каримов. – Бу нақлнинг маъноси нақадар теран эканлигини тирикчилиги ер билан бўлган деҳқонлар яхши билишад. Фермер хўжалигимиз собиқ Навоий номи ширкат заминидан. Тўқсонинчи йилларнинг ўрталаридан фермер сифатида иш бошлаганимизда бизга ажратилган ерда пахта ҳосилдорлиги 12-14 центнер атрофида эди. Мен атайин қизиқиб кўрдим, колхоз гуриллаган 70-йилларда худди шу ерлардан 30-35 центнердан пахта олинган. Қизиқ ҳолатки, ҳосилдорлик йилдан-йилга пастлаб, шу даражагача келган. Очиги, дастлабки йилли тупроқнинг бундай абгор ва ночор ҳолга тушиб қолганини қўриб, тоза ҳафсалам пир бўлган. Хатто, айрим мутахассис биродарларимиз ҳам бу ерлар ҳали бери аслига келмаслигини, рисоладагидек ҳосил олиш учун узоқ йиллар тер тўкишимиз кераклигини айтишган.

(Давоми 2-бетда).

Анжуман



МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ – ҲИМОЯДА

Кейинги йилларда оналик ва болаликни ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий муҳофаза қилиш, оила фаровонлигини ва аёлларнинг ижтимоий, моддий аҳволини яхшилаш, уларнинг жамият ҳаётидан барча жабҳаларини ислоҳ қилишда фаол иштирок этишларини таъминлаш мақсадида қўллаб-қўллаб қонунлар, бошқа муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Қасаба ташкилотлари ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қила бориб, қонунчилик қафолатларига таянган ҳолда уларнинг муаммоларини ҳал этишда тобора фаол қатнашмоқдалар. Виллоятдаги қўғина корхоналарда аёлларга қисқартирилган иш куни, ҳомиладор аёлларни енгил ва шароитлари зарарсиз бўлган ишларга ўтказиш ёки муддатидан илгари корхона ҳисобидан декрет таътиллари қабул қилиш, қўғимча меҳнат таътиллари бериш каби имтиёзлар қўлланилмоқда.

Қасаба уюшмалари виллоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши виллоят хотин-қизлар қўғимаси, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг виллоят бўйича вакили ҳамкорлигида "Аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш" мавзусида ўтказган конференцияда ана шулар алоҳида таъкидланди. Унда хотин-қизлар қўғимталари, қасаба уюшма фаоллари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ходимлари, "Тadbirkor аёллар" уюшмаси фаоллари иштирок этишди. Аёлларнинг

меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари ҳусусидаги маърузалар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Конференция жамиятда, давлат қурилишида, тadbirkorлики ривожлантиришда, янги авлод тарбиясида аёлларнинг иштирокини қучайтириш, уларнинг ҳуқуқий билимини ошириш ва меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган тавсиялар қабул қилди.

Тadbirkor виллоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўғимаси раиси Фарида Акбарова иштирок этди.

Юсуф ЖУМАЕВ.

СУРАТЛАРДА:

конференция жараёнидан лавҳалар.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.



КОРХОНАГА ТЕКШИРИШ КЕЛГАНДА...



КУРФОШИН: ФОЙДАЛИМИ ЁКИ ЗАРАРЛИ?

Косметика воситалари ишлаб чиқарувчи энг йirik компания «L'Oréal» фаолияти 1990 ва 2000-йиллар орасида ишлаб чиқаришни 60 фоизга оширди, лекин «сикхонча» газларнинг ажralиб чиқариши 44 фоизга камайирди. «L'Oréal»нинг бу муvандиси Кен Крали бу муvаффақиятларни энергияни теvашининг иктисодий жиvатдан асосланган дастурлари билан зохолэди. Масалан, «L'Oréal»нинг янги корхоналаридан бирида ёриштириш юкори самарали технологияларини қўллаш 180 минг долларга тушган бўлса, дастлабки 12 йил давомида 160 минг долларга юкори энергия талвди. Бу аса технологиялар учун харажатларни қоплашдан ташкари, кейинги йиллар давомида ҳам шунча маблағни теvаш имконини яратди.

**Саҳифани вилоят табиатни муҳофаза қилиш
қўмитаси мутахассиси Қобилжон СОҚИЕВ ва
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири
Хуршида НАЗАРОВА тайёрлашди.**

Спорт | Спорт | Спорт | Спорт

ТЕРМА
ЖАМОАМИЗ
ТАИЛАНДА

22 декабрь куни Таиландда футбол бўйича "Кирол кубоги" халқаро турнири бошланди.



Мусобақада Ирок, Шимолий Корея, Таиланд ҳамда Ўзбекистон миллий терма жамоалари ўзаро бахslashади. Гурӯҳда биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган терма жамоа 29 декабрь куни ўтказиладиган финал ўйинида беш соврин учун бахslash олиб боради.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, 2008 йил январь ойида "Пахтакор" жамоаси футболчилари Санкт-Петербургда ўтказиладиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кубогига иштирок этиши ва миллий терма жамоамизни февраль ойининг биринчи ўн кўнлигига жаҳон чемпионати саралаш бахslashида қатнашиши ҳисобга олиниб, мураббийларимиз "Кирол кубоги"да легионер ва миллий чемпионатдаги айрим тажрибали футболчиларни бевозита қилмаган ҳолда Таиландга иккинчи таркиб билан йўл олишди.

Рауф Инилеевнинг айтишича, Таиландда ўтказилган мусобақа терма жамоага номзод ёш футболчилар маҳоратини яна бир бор синовдан ўтказиш ва жамоани расмий мусобақаларга жиддий тайёрлашда ижобий натижа беради.

"Туркистон-пресс".

СУРИЯДАН
БЕШ МЕДАЛЬ

Сурияда оғир атлетика бўйича ташкил этилган Осиё кубоги мусобақасида қитъамизнинг ўн олти давлатидан келган энг кучли спортчилар ғолиблик учун куч синашди.

Нуфузли мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилган Ўзбекистон терма жамоасининг беш нафар аъзоси совринли ўринларни эгаллади. Ҳамюртларимиздан Руслан Алпанов даст ва силтаб кўтариш бўйича умумий ҳисобда 260 килограмм натижа кўрсатиб, шоксупанинг энг юқори поғонасини эгаллади.

Мансур Чашимов ўз вазн тоифасида 335 килограмм натижа билан биринчи ўринни эгаллади.

Терма жамоамиз аъзоларидан яна уч нафари – Субхон Қобилов, Шерзод Юсупов ҳамда Иван Ефимов ўз вазн тоифасида иккинчи ўринни эгаллади.

Осиё кубоги мусобақасида иккита олтин ва учта кумуш, жами бешта медални қўлга киритган ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Зоҳир ТОШҲУҲАЕВ,
ЎЗА мухбири.

ИЗЛАНИШ —
ИМКОНИАТЛАР КАЛИТИ

– Катта бўлсам боғча опамдек болаларга мусикадан дарс бераман, – адаси билан боғчага отланган Севинч йўл-йўлакай чўлдирди. – Биласизми адажон, фортепьяно чалишни ўрганапман. Янги йилдачи, «Қорбонимиз қорбобо», «Озод юртим – обод юртим» кўшиқларини хор бўлиб айтамыз.

– Балли қизим, – ич-ичидан шодланди ота. – Шундай дорилондон замонда сенлар куйламай ким куйласин...

Ангрендаги «Олтинча» тажриба-таянч болалар боғчаси қошида шахар 10-санъат мактабининг филиали иш бошлаганига кўп вақт ўтмасдан бу ерда мусиқани сеувчи жажжи талантлар анча кўпайди.

– Ҳозирги кунда санъатнинг фортепьяно, скрипка, рубоб, доира, ногора каби йўналишлари бўйича махсус синфлар фаолият юритмоқда, – дейди боғча мудираси Зайнаб Йўлдошева. – Тарбияланувчилардан ташқари машғулотларга атроф худуддаги мактабларнинг бошланғич синфларидан 40 дан зиёд ўқувчи қатнашаёпти.

Сир эмас, илгари тарбиячилар белгиланган дастурдан четга чиқмасди. Аниқроқ айтганда, тарбиячилар ўзича изланиб, мавзу ва машғулотларга ижодий ёндашмасди. Натижада боғча болалари бир хил ашула айтиб, бир хил шеър ёдлашарди. Қолаверса, педагогларнинг услуби ҳам бир хил эди. Бугун боғча муҳассислари даврга мос янги қўлланма – «Учинчи минг йилликнинг боласи» дастури асосида фаолият юритишаёпти. Дастурнинг аҳамиятли томони шундаки, тарбиячи ижодий изланиб, ўзига хос шароит ҳамда муҳитдан келиб чиққан ҳолда янги услублар яратяпти.

Ҳа, имкониятлар калити изланишда. Бу ҳислат боғча мудирасидан тортиб, ҳар бир ходимга бегона эмас. Яқинда бу ерда нодавлат ташкилотлар томонидан тузилган «Фарзандим-хитрабандим» дастурининг ижросига йўналтирилган семинар-тренинг ўтказилиши режалаштирилган. Мақсад – мактабга таълим ва тарбия ишларини янада яхшилаш.

шунингдек, мактабга тайёрларик тадбирлари сифатини ошириш, шунингдек, педагог ва тарбиячиларни ижодий изланиш ва ташаббускорликка ундаш.

– Болалар билан ишлаш завқли, – дейди тарбиячи Гузэл Бойматова. – Шунинг ўзи тарбиячини ижодий ишларга қорлайди. Қолаверса, ҳар бир бола бир олам, бегуборлиги эса яна бир мўъжиза. Ўзгарилаётган семинар-тренингларда мен ҳам қатнашиб, бола тарбияси хусусидаги фикр-мулоҳазаларим билан ўртоқлашиб келаётганлигим ўйламанки, эртанги кунги ютуқларимга замин бўлади.

– Ижтимоий ҳимоя йилида ҳомийлар кўп ёрдам кўрсатишди, – дейди боғча мудираси. – Жумладан, битта компьютер жамланмаси, ҳар бир гуруҳга ўзига мос ўйинчоқлар, ўқув қуроллари ва бошқа маъиший хизматлар олинди. Ангрен кон бошқармаси ёз ойида боғча босонининг томини қайта ёпиб берди. Ташқи қисми ва ички хоналар таъмирланиб, дераза ромлари, иситиш ва сув тармоқлари тўлиқ янгиланди.

Боғча жамоасининг болалар тарбияси йўлида амалга ошираётган ишларидан ота-оналар ҳам миннатдор. Бош услубиётчи Людмила Тихонова, тарбиячилар Обида Бобокўлова, Рамзай Гайнатулина, Замира Хайдарова, мусиқа раҳбари Ирина Гарифулина, ҳамширалар Наргиза Буйбўлова, Тамара Тахандинова ота-оналар билан яқин алоқа боғлаб, таълим-тарбия ишлари савиясини юксалтириб боришга ҳаракат қилмоқдалар.

Мунаввара ИСОКУЛОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТДА:
боғчада машғулот пайти.
Муаллиф олган сурат.


Тошкент вилоят ҳўжалик судининг 2007 йил 20 декабрдаги 11-0721/10945-сонли иш Ҳал қилув қарорига асосан, Янгийўл шахар, Экскаватор кўчаси, 2-уйда жойлашган "Тошвилмелиосувқурилиш" трестига қарашли "2-механизациялашган кўма колонна" корхонаси банкрот деб эътироф этилиб, тугатишга доир иш юритиш очилган. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб **ИККИ ОЙ МУДАТ** давомида қабул қилинади.

"Тошвилмелиосувқурилиш" трестига қарашли "2-механизациялашган кўма колонна" корхонаси кредитторларининг йиғилиши 2008 йил 7 январь соат 10.00 да корхона биносида бўлиб ўтди.

Манзил: Янгийўл шахри, Экскаватор кўчаси, 2-уй.
Маълумот учун телефонлар:
109-85-82, 702-27-62.

Оҳангарон туманидаги 2-ўрта мактаб томонидан 2006 йилда Тўймежанова Феруза Исроиловна номига берилган O'R-Sh Ne 0472430 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР** қилинади.

СКАНВОРД



ООО "AVITA" (ОКПО 19234054) Юнусобадского района г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 565.404.700 (пятьсот шестьдесят пять миллионов четыреста четыре тысячи семьсот) сум до 55.600.000 (пятьдесят пять миллионов шестьсот тысяч) сум.

Претензии принимаются в течение 1 (одного) месяца со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, Юнусобадский район, ул. Г. Абдурашидова, 1-А.

Ҳаёт сабоқлари

Муниса онасининг суратига бир зум тикилиб турди-да, уни бағрига босиб, йиғлаб юборди. Онаси тирик бўлганида шу кўнгликлар бўлмасди, Муниса ҳам алам исканжасида қолмасди. Қани энди ўша бахтли дамлар қайтиб келса...

Суннат ака билан Захро опа беш қиз кўришди. Уларни еру қўққа ишонимасди. Айниқса, Суннат ака, ҳар бир қизимни ўрта ўғилга ҳам алмашмайдан, дерди. Уларнинг бўйи етганда эса йилига биттадан қизини узатаётган ота-онанинг кўнгли ҳувиллаб бораётгандай бўларди.

Одамлар биттагина қизларини ҳам тинччилолмаган. Сизларнинг эса беш қизингиз ўзидан тинди. Бунга қувониш керак – деди Муниса кенжаси Зияданинг никоҳ тўйидан сўнг ҳаммалари тўпганида.

Мунисанинг шў гапи Суннат аканинг кўнглидаги юзага чиқишига сабаб бўлди.

– Сизларни ўғлим деганман, – деди Суннат ака қувларига. – Биздан кейин бу ҳовли эгаллик бўлиб қолса, бирингизга ватан бўлса деганман. Қайси бирингиз кўчиб келсангиз ҳам ичкўв эмас, ўғил деб қабул қиламиз. Нуриланинг укалари уйлангач, бир ҳовлига тикилиб қолишди. Шунинг учун алоҳида уй қилсам демасангиз-да, бизнинг ҳовлига кўчиб кела қолсангиз...

Орадан кўп ўтмай, Муниса ота уйига кўчиб келди. Суннат ака билан Захро опалар ҳувиллаб қолган кўнглилари тўлганидан бошлари осмонга етди. Эрта тонгда қайноқа-қув ёшга отланишди. Муниса ҳам ёнгинасидаги мактабга ишга тушиб кетди. Уйда иссингани тайёрловчи онахониси бор. Бундан ортиқ нима керак.

Шу зайдла орадан икки йил ўтди. Набираларнинг тўйларини кўриш Захро опага насиб этмади...

Жўфидан ахралган мусиқадар маъносини билган Суннат аканинг сўйинч чехрасига боққан Муниса онахонисига бўлган кучли меҳрини туйди. Неча йил бир ёстиқча бош қўйиб, турмушининг аччиқ-чуқлини бирга тўтган жўфликнинг кетганидан кўра қолганига қийин бўлиши рост экан. Суннат ака ана шундай айрилик азобини тортаётган эди.

Тақдирдан қочиб қўтулиб бўлмас экан, Суннат аканинг қўтулмаганда «қирқ ёшли қизга уйланоқчиман», дегани фарзандларини доводиратиб қўйди. Қизларнинг «Онамнинг тўғроғи совимай, уйланишингиз...» дейишлари бир бўлди-ю, Суннат аканинг

Ҳаёт сабоқлари

нидан бошлаб биронта ишга қўл урмай, уни ёйман, бунга ёйман деб эрқалиқ қиларди. Суннат ака-чи? Хотинига олиб келган сархил мева-чеваларни набираларидан қизганидан ҳам уялмасди.

Орадан бир неча ой ўтиб Суннат ака ўғилли бўлди. Бу неча ўн йиллар орзулагани, Захро опа унга ҳада этолмаган қувонч эди. Фақат шифокорлар Лаълихонга бошқа фарзанд кўра олмаслигини айтишди.

Чақалоққа Шукрилло деб исм қўйдилар, бироқ бу би-

Нурилла ориятли инсонларнинг фарзанди. Отаси ҳар бир ишни ётиги билан ҳал қилишга одатланган. У отасининг бирор марта жанжал кўтарганини ёки сўкинганини эслолмайди. Онаси-чи? Оқила ва доно аёл бўлганлиги учун маҳалладошлари, қўни-қўшни ва қариндошлар орасида ҳурмати баланд.

Нурилланинг қўтилмаган ташрифидан уйдагилар хайрон қолишди. Ота-она қайфиятсиз кўринган ўғилларининг юз-кўзидан ниманидир ўқиб олишга ҳаракат қили-

налар келтирди. – Мунис, тез нарсаларингни йиғиштир, кетамиз, – деди у. – Ҳозир юк машинаси келади. Дадам юкларни ортиб бўлгач, уйга қайтаверинглари дедилар.

Айтилган пайтда Абдулла машинасини ташлаб кетаётганида ҳар эҳтимолга қарши калитни машинада қолдирганини айтиди.

Эр-хотин тушгача барча нарсаларини юк машинасига ортиб бўлишди. Суннат аканинг ишдан қайтишини кўтиб, вазиятни унга тушунтирмоқчи эдилар-у, аммо Лаъли онанинг «Кетаман деганидан кейин кетавермайсизларми? Бу хушбағари Суннат акамга ўзим етказаман» деган гапи уларни ҳайдагандан ҳам бати аҳволга солди. Энди кетмасликнинг иложи қолмаганди.

Орадан 3-4 соат чамаси вақт ўтиб, Суннат ака ишдан келди. Ҳовлидаги юк машинасини қўриб, ниманидир англагандай бўлди. Қолган гапни эса Лаълихон эрига «боглаб» тушунтирди:

– Хай, дадаси, юк машинасининг эгаси эртага эрталаб келармиш. Яхшиши ўзингиз обориб бера қолинг.

Суннат ака ҳар ёқни ўйлаб, бир қарорга келгунча, кун намозшомада қараб оғди.

Намозшомада бирон иш бошлаш хайрли бўлмайди, дейишди. Кел, эртага кута қолайлик, – деди Суннат ака.

– Йўқ, дедимми, йўқ! Ҳар бир иш иссингизда бўлгани яхши.

Хуллас, Суннат ака юк машинасини ўт олдириди. Лаълихон шаниллаб, йўл кўрсатиб турди: «Дадаси, қораверинг, сал чарпоқча олинг. Яна дарвозага тегиб кетмасин».

Суннат ака юк машинани гоҳ орқага, гоҳ олдинга олиб, ниҳоят кўчага чиқарди. Қувончнинг ичига сийдирилмаётган Лаълихон машина ортидан каттагина тошни улоқтириб: «Даф бўлганларнинг рост бўлсин» деди. Шу лаҳзада уни дахшати воқеа қутаётгани хаёлига ҳам келмасди. Лаълихон дарвозани ёпар экан, йўлакда қорайиб турган нарасага қўш тушди. Унга бир мuddат тикилиб турди-ю, дахшатдан додлаб юборди. Бу юк машинасини ээгилаб ташлаган Шукрилланинг танаси эди. Эр-хотин юкларни жўнашти билан овора бўлиб, Шукрилло уйдан чиқиб, машинанинг орқасига ўтганини пайкамай қолди. Натижада бола орқага юрган машинанинг ёғилдираклари тагиди қолган эди...

Аллома АЗИЗОВА.

Банкрот-корхона ОТАЖ

«А. Иброхимов номи Тошкент чинни завод»нинг кредитор ва акциядорларига тегишли суммаларни (туғатиш жараёнида ўз вақтида олинмаган) олиш учун Тошкент шаҳри 1-сонли Яққасарой туман Давлат нотариусига (манзил: Тошкент шаҳри, М. Таробий кўчаси, 8-уй) мурожаат қилиб, ДАТ «Халқбанк»нинг Яққасарой филиалида (манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Ш. Абдуллаев кўчаси, 2-а уй) очилган депозит ҳисоб варақаси орқали берилди.

Маълумотнома ва архивга боғлиқ маълумотлар – 100207, Тошкент шаҳри, «Ғалабанинг 40 йиллиги мавзеси», 2-даҳа, 29-уйда Тошкент шаҳри Давлат архиви томонидан берилди.

Заводнинг собиқ ходимлари учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари ДАТ «Халқбанк»нинг Собир Раҳимов филиали томонидан берилмоқда.

Рассом хангаси



– Ҳофиз ака, ахир келишганимизни олдингиз-ку?
– Қистир-қистир кам бўлди, яна 100 минг берасиз!
Абдурашул ҲАКИМОВ чизган расм.

1993 йил 22 январда Кадыров Ибрагим номига берилган 06-01/4594 рақамли хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР** қилинади.

Утеранный диплом ФВ № 977412, регистрационный № 5057С, выданный в 1991 году Ташкентским Государственным техническим университетом на имя Фатхуллаева Мурата Шавкатовича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

«KIA MOTORS»нинг Ўзбекистондаги расмий дилери «Sanar Motors» МЧЖ куйидаги автомобилларни таклиф этади.



Барча бож тўловлари ҳисоби билан

Тошкент шаҳри, Х.Абдуллаев кўчаси, 54А. Мўлжал: метрнинг Буюк Йўл йўли бекати.
Тел.: 323 2566, 140 0061/62, 175 6975. www.kiamotors.com

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими:
136-55-54.
Эълонлар: 133-90-82,
136-53-54.

Манзилимиз:
700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти
компьютер марказида терилиди ва
саҳифаланди.

Эълон ва билди-
рувлардаги факт
ҳақида далилларнинг
тўғрилиги учун рек-
лама ва эълон бе-
рувчилар масъулдир.